

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*IV Akademiyasi 311-guruh kursanti
Allaberdiyev O`g`bek Olimjon o`g`li*

Ўзбекистон Республикаси мустақил миллат, мустақил давлат сифатида ўз тараққиёт йўлини бошлаган дастлабки кунлардан бошлабқ умуминсоний кадриятлар, инсон ва унинг ҳуқуқларига оид халқаро қоидалар устивор эканлигини тан олди. Бу ҳол республикамиз томонидан мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларига тааллуқли енг муҳим халқаро ҳужжатлари - «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт, «Аёллар, болалар ҳуқуқлари»га оид конвенцияларни ратификация қилинишида, ушбу оламшумул халқаро стандартларнинг асосий принциплари ҳамда нормалари Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига, енг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига имплементация (халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликда акс этиши) қилинди ҳамда муваффақият билан қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунда шахс ва давлат муносабатларида шахс ҳуқуқларининг устунлиги эътироф этилиб, ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатида етакчи ўрин тутиши таъкидланар экан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини янада кенгайтириш, бу ҳуқуқлар рўёбга чиқарилиши учун қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароит, кенг макон яратилиши, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг кучайтирилиши ва бу кафолатларининг кучайтирилиши ва бу кафолатлар натижасини таъминловчи зарур механизмлар яратилиши, масасалар уларни зудлик билан ишга туширилиши билан боғлиқ муаммолар аниқлаш, уларни зудлик билан ишга туширилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, уларни ечимини ахтариб топиш- давлат ва жамият учун ҳам, уни ҳар бир аъзоси учун ҳам ҳаётга аҳамият касб этувчи долзарб масала ҳисобланади. Оммавий Ахборот Воситалари қонунчилигида оммавий ахборот воситалари эркинлигини ҳимоя қилиш, манбаларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқи каби баъзи ижобий хусусиятлар мавжудлигини курсатиб кетган. Шу билан бирга, умуман олганда Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги қонун халқаро ҳуқуқда кўзда тутилган сўз эркинлиги ҳуқуқини мувофиқ ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлашни таъминламайди. Биринчидан, ОАВ қонуни оммавий ахборот воситаларининг барча йўналишлари ва соҳаларини тартибга солишга уринади, ҳатто масалан, оммавий ахборот воситалари, босма ва онлайн медиаларни тартибга солиш учун турли режимларга эҳтиёж бўлса ҳам. Бошқа асосий

қийинчиликлар мукамал таркибий чекловларни ўз ичига олади, масалан, оммавий ахборот воситаларига тузатишлар ёки жавобларни нашр қилиш учун ҳаддан ортиқ мажбуриятларни юклайди ва давлат органларига муайян материалларни нашр этишни буйуриш ҳуқуқини беради. Бугун ривожланган айрим давлатлар (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Австралия, Япония, Хитой, Германия ва ҳ.к)да фуқаролар ҳафвсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан баробар, фуқароларнинг ролини ошириш, кенг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиши, барча жабҳаларда ўз фаолиятини олиб боришлари, ҳуқубузарликлар профилактикасини ташкил этишда, жиноятларни олдини олишда кўмаклашиш мақсадида маҳалла ролини ошириб, жойларда жамоат ташкилотлари ташкил этилган. Шу орқали улар давлат органлари билан ҳамкорликда самарали иш фаолияти олиб боришга хизмат қилинмоқда, ҳуқуқ тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалишига хизмат қилмоқда. Жамоат тартиби ва ҳафвсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки бўйича ўзига хос тажриба Россия Федерациясида қарор топган. Фуқаролик жамиятини такомиллаштириш уларда жамият ҳаётига дахилдорлик хиссини уйғотиш бугунги куннинг, замоннинг талаби шуни тақазо этмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамиятини қуриш заруратга айланиб бораётганлиги фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли Россия Федерациясида замонавий фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омилга айланди, демократияни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қийин эканлигига жаҳонда амалга оширилаётган ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Ана шундай ўзгаришларни амалга ошириш ва аҳолининг турмиш даражасини яхшилаш давлат муассасалари ва жамоат органлари ҳамда аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ, миллий ва минтақавий муаммолар тинч йўл билан ҳал этишда уларнинг ҳисса каттадир. Ҳозирги вақтда Россия Федерациясида ички қонунчиликда ҳуқуқий мақомни тартибга солиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлар шаклларини таъминлайдиган кенг қамровли умумий нормалар мавжуд. Шунингдек, айрим фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ёшлар ва болалар жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, адвокатлик тузилмалари, иш берувчилар ташкилотлари, ногиронлар ва бошқаларнинг фаолиятини тартибга солувчи бир қатор махсус қонун ҳужжатлари мавжуд.

Фуқаролик жамияти институтлари секторини жадал ривожлантириш, уларнинг иш шароитини, ҳуқуқий мақомини узлуксиз такомиллаштириб борилмоқда.

Россия Федерацияси ва Федерал даражадаги бошқа хорижий давлатларда конструктив мулоқот ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда Ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорлик фуқароларни қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишда иштирок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шarti ҳисобланади. Уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ўз ичига олган бош ғоя мамлакатнинг миллий мақсадларига эришиш ғоясидир.

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг Ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқиш масалалари демократик давлат принципларини амалга ошириш учун долзарб аҳамиятга эга масаларлардан деб қаралади.

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг Ички ишлар органлари билан ҳамкорликдаги фаолиятида юзага келаётган муаммоларни илмий жиҳатдан аниқлаш даражасига катта этибор қаратилмоқда. Ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорликдаги фаолиятининг самарасини ошириш Фуқаролик жамиятининг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу масалаларни ҳал этишда ушбу институтларнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши, давлат билан ўзаро муносабатлари, шакллари, унинг муассасалари таркиби ва таснифи каби омиллар инобатга олинади. Ички ишлар органлари профилактика хизматлари ва фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳолининг ҳамкорлигини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш - давлат органлари томонидан домий равишда рағбатлатириб борилади. Бу эса фуқаролик жамияти институтларининг касбий фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида қўлланиши мумкин бўлган ишлар Конституциявий ва конституциявий даражага тенглаштирилган қонунлар билан мустаҳкамланган.

Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ички ишлар органлари фаолиятига юксак эътибор берилаётгани туфайли тизимда беқиёс ўзгаришлар

рўй бермоқда. Ходимларимиз самарали хизмат қилиши учун ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан бевосита аҳоли ўртасида фаолият олиб борадиган профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида хизмат уйлари билан таъминланди. Эндиликда улар илгаригидек туман маркази ёки шаҳарда яшаб, ўн беш-йигирма чақирим наридаги хизмат ҳудудига қатнаётгани йўқ. Яна бир қувонарли ҳолат шуки, ҳар бир профилактика инспекторига имтиёзли кредит асосида енгил автомашина ажратилди. Бу ҳам, албатта, фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Жинойтчиликка қарши курашишда унинг олдини олиш муҳим саналади. Шу боис ички ишлар органларида профилактик тадбирларга кенг ўрин берилляпти. Айниқса, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» деб эълон қилиниши жойларда профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, аҳоли билан ички ишлар органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, ўзаро очик мулоқот ва учрашувларни кўпайтириш имконини берди. Ўзбекистон Республикасида ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар давомида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда уларнинг давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ички ишлар органлари хусусан профилактика инспекторлари оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширишда турли шакл ва усуллар қўлланилади. Амалиётда ва адабиётларда ҳамкорликни шартли равишда икки асосий шаклга: ўзаро ахборот алмашиш ва амалий ҳамкорликка ажратилади.

Ўзаро ахборот алмашиш ҳамкорлигининг энг кўп тарқалган шакли бўлиб, ҳамкорликка асосан ўзаро алоқадор субъектлар ўртасида ахборот алмашуви, муомалада бўлиши хосдир. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга ошириши белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари ходимлари айнан ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва ўзаро алмашиш асосида ишлаб чиққан хулосага кўра ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан муносабатда бўлиши, уларнинг

тақдирларини белгилаши боис ахборот олиш ва унга ишлов бериш ички ишлар органлари фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ички ишлар органларининг давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан амалий ҳамкорлиги биргаликда крименоген ҳолатни ўрганиш, фаолиятга доир муайян чора-тадбирларни ҳамкорликда режалаштириш, амалга ошириш, натижаларни умумлаштириш, тезкор вазиятга мос тарзда куч ва воситаларни биргаликда тақсимлаш, кўшма тадбирларни ўтказиш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва кўллаб-қувватлаш кабиларда намоён бўлади. Ички ишлар органлари фаолиятига оид ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин. Уларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади ва ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ички ишлар органлари ва унинг мансабдор шахслари давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас.

Профилактика инспекторлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар беришлари шарт.